

ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ

№ 7
2018

ISSN 2181-6514

WWW.ITM.UZ

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ОММАБОП ЖУРНАЛ

НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКИЙ ОБЩЕСТВЕННЫЙ ЖУРНАЛ



СОВРЕМЕННОЕ ОБРАЗОВАНИЕ

- ✓ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МИЛЛИЙ ДАСТУРИ АМАЛДА
НАЦИОНАЛЬНАЯ ПРОГРАММА ПОДГОТОВКИ КАДРОВ В ДЕЙСТВИИ
- ✓ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ НАЗАРИЯСИНИНГ ФАЛСАФИЙ ЖИҲАТЛАРИ
ФИЛОСОФСКИЕ АСПЕКТЫ КОНЦЕПЦИЙ ОБРАЗОВАНИЯ И ЭТИКИ ВОСПИТАНИЯ
- ✓ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ КОНЦЕПЦИЯЛАР ТАРИХИ
ИСТОРИЯ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ И ВОСПИТАТЕЛЬНЫХ КОНЦЕПЦИЙ
- ✓ КАСБИЙ ТАЪЛИМ
ПРОФЕССИОНАЛЬНОЕ ОБРАЗОВАНИЕ
- ✓ МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМ
ДИСТАНЦИОННОЕ ОБРАЗОВАНИЕ
- ✓ КАСБГА ЙЎЛЛАШ
ПРОФЕССИОНАЛЬНАЯ ОРИЕНТАЦИЯ
- ✓ ТАЪЛИМ ПСИХОЛОГИЯСИ
ПЕДАГОГИЧЕСКАЯ ПСИХОЛОГИЯ
- ✓ УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ
НЕПРЕРЫВНОЕ ОБРАЗОВАНИЕ
- ✓ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ
ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ ТЕХНОЛОГИИ
- ✓ ОИЛА ВА МАКТАБ
СЕМЬЯ И ШКОЛА
- ✓ МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ
ДОШКОЛЬНОЕ ОБРАЗОВАНИЕ

Ўзбекистон Республикаси Кадрлар тайёрлаш миллий дастури –
жамиyatни модернизациялаш, инновацион иқтисодиётни
яратиш ва фуқаролик жамиятини босқичма-босқич
ривожлантиришнинг асоси

Национальная программа по подготовке кадров Республики Узбекистан –
основа модернизации, создания инновационной экономики
и поступательного развития гражданского общества

Журнал Тошкент вилояти халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти наشري.

Журнал Сурхондарё вилояти халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти билан ҳамкорликда нашр этилмоқда.

МУНДАРИЖА СОДЕРЖАНИЕ

№7, 2018

МАЛАКА ОШИРИШ ВА ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ / ПОВЫШЕНИЕ КВАЛИФИКАЦИИ И ПЕРЕПОДГОТОВКА

- 3 **Маматкулов Д.М.** Малака ошириш жараёнида тингловчиларда шаклланган кўникма ва малакаларни баҳолаш механизмларини такомиллаштириш масаласи

ОЛИЙ ТАЪЛИМ / ВЫСШЕЕ ОБРАЗОВАНИЕ

- 11 **Панжиев Қ., Азизов Р.К.** Эстрада кўшиқчилиги ёшларни тарбиялашнинг маънавий воситаси сифатида

ТАЪЛИМ ПСИХОЛОГИЯСИ / ПЕДАГОГИЧЕСКАЯ ПСИХОЛОГИЯ

- 17 **Халилова Н.И.** Рефлексив технологияларни таълим жараёнига татбиқ этишнинг психологик жиҳатлари
- 22 **Ҳакимова Д.М.** Ўқувчиларда рефлексив кўникмаларни шакллантириш ва ривожлантириш жараёнларини такомиллаштириш модели

МАКТАБ ТАЪЛИМИ / ШКОЛЬНОЕ ОБРАЗОВАНИЕ

- 29 **Каримова Д.А., Хоназарова Р.** Ўқувчи-ёшларни эстетик тарбиялашда «Муסיқа маданияти» фани олдида турган долзарб масалалар

ОИЛА ВА МАКТАБ / СЕМЬЯ И ШКОЛА

- 36 **Давронова Д.С.** Вояга етмаган болаларда ижтимоий онгни шакллантиришда таълим муассасалари, маҳалла ва оила ҳамкорлиги самарадорлигини оширишнинг долзарб вазифалари
- 43 **Ҳамдамова В.А.** Ёшлар тарбиясида ахборот хуружларига қарши курашишда халқ педагогикасининг роли

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ / ДОШКОЛЬНОЕ ОБРАЗОВАНИЕ

- 50 **Абидов Б.К.** Мария Монтессори таълимотида тарбияловчи муҳитни яратиш асослари

ИНКЛЮЗИВ ТАЪЛИМ / ИНКЛЮЗИВНОЕ ОБРАЗОВАНИЕ

- 56 **Арсланова М.М.** Имконияти чекланган ўқувчиларни оилавий ҳаётга тайёрлашда таълим муассасаси ва оила ҳамкорлиги

ТАЪЛИМ МЕНЕЖМЕНТИ / МЕНЕДЖМЕНТ В ОБРАЗОВАНИИ

- 61 **Садриддинов С.Р.** «Е-PORTFOLIO» бошқарув кадрлари фаолиятини такомиллаштириш воситаси сифатида: структуравий-функционал ёндашув

МУАЛЛИФЛАР ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ / СВЕДЕНИЯ ОБ АВТОРАХ

«Замонавий таълим» («Современное образование») журнали Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2015 йил 20 мартдаги 214/2-сонли қарори билан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган (13.00.00 – ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ва 19.00.00 – ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ бўйича).

Журнал «Замонавий таълим» («Современное образование») постановлением Президиума ВАК Республики Узбекистан от 20 марта 2015 года № 214/2 включён в перечень научных изданий, рекомендованных для публикации основных научных результатов докторских диссертаций (по 13.00.00 – ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ НАУКИ и 19.00.00 – ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ НАУКИ).

Панжиев Курбонниёз,

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети «Муסיкий таълим» кафедраси мудири, санъатшунослик фанлари номзоди;

Азизов Равшан Камилович,

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети «Муסיқа таълими ва санъат» мутахассислиги 2-курс магистранти

ЭСТРАДА ҚЎШИҚЧИЛИГИ ЁШЛАРНИ ТАРБИЯЛАШНИНГ МАЪНАВИЙ ВОСИТАСИ СИФАТИДА

**ПАНЖИЕВ Қ., АЗИЗОВ Р.К. ЭСТРАДА ҚЎШИҚЧИЛИГИ ЁШЛАРНИ
ТАРБИЯЛАШНИНГ МАЪНАВИЙ ВОСИТАСИ СИФАТИДА**

Мақолада ўзбек эстрада қўшиқчилиги ижодиёти ривожига ҳамда унинг талаба-ёшларни тарбиялашдаги аҳамияти, шунингдек, эстрада ижрочилигини таълим-тарбиянинг асосий воситаси сифатида эътироф этиш хусусидаги фикр-мулоҳазалар баён этилган.

Таянч сўз ва тушунчалар: эстрада, реп, поп, оммавий маданият, муסיкий эстрада, соф интонация, қўшиқчи.

**ПАНЖИЕВ К., АЗИЗОВ Р.К. ЭСТРАДНОЕ ПЕНИЕ КАК СПОСОБ ВОСПИТАНИЯ
МОЛОДЕЖИ**

В статье речь идёт о развитии узбекского вокала и о его воздействии на развитие молодежи, а также об идее признания эстрадного вокала как основного средства воспитания и образования.

Ключевые слова и понятия: эстрада, реп, поп, массовая культура, музыкальная эстрада, чистая интонация, певец.

**PANJIEV K., AZIZOV R.K. POP SINGING AS A WAY OF EDUCATION OF YOUNG
PEOPLE**

The article is devoted to the development of Uzbek vocal and its effect on the development of young people and the idea of recognition of variety vocal as the main means of education and upbringing.

Keywords: stage, rap, pop, public culture, pure intonation, singer.

Таълим ва тарбия масаласи ҳар бир миллат ва ҳалқнинг доимий кундалик ҳаёти билан боғлиқ жараёндир.

Ўзбек халқининг атоқли педагоги Абдулла Авлоний «Тарбия қилгувчилар табиб каби-дурки, табиб хастанинг баданидаги касалига даво қилгани каби, тарбияни боланинг вужу-дидаги жаҳл марказига «яхши хулқ» деган давони ичидан, «поклик» деган давони устидан беруб, катта қилмоғи лозимдир»¹, деган эди.

Дарҳақиқат, қадимдан Шарқ ва Ғарб мада-нияти бир-бирига қарама-қарши ҳолда кура-шиб, ривожланиб келмоқда. Шарқнинг Ғарбдан устунлик томони шундаки, Шарқда таълим ва тарбия масаласига бирдек эътибор қаратиб келинади, Ғарбда эса барча диққат-эътибор асосан таълимга қаратилган. «XXI аср вабоси» деб ном олган ва бутун дунёга катта хавф солиб турган оммавий маданият ўзининг «гирдоб»га асосан миллати, маданияти, урф-одати, санъати, миллий эстетик тарбия, миллий қадриятлардан йироқроқ бўлган тажрибасиз, ўқувсиз ёшларни тортиб бормоқда. Дунёнинг шиддат билан ривожланиб, ахборот узатиш жадаллашуви, уяли телефон орқали интернет тармоқларига уланиш, маълумотларни санокли дақиқаларда олиш ва жўнатиш ўсиб келаётган ёшларнинг онгига ўзининг ижобий таъсири билан бирга салбий таъсирини кўрсатмасдан қолмаяпти.

Бугунги замонавий технологияларнинг жадал ривожланиб бориши жараёнида ёшларни «оммавий маданият»га кўр-кўрона тақлид қилиб бориши таълим ва тарбия маса-ласига ҳар қачонгидан ҳам жиддийроқ эътибор қаратишни тақозо этмоқда. Устида чет эл байроқлари ёки турли ярим-яланғоч қизлар сурати туширилган кийимларни кийиб, қулоғида қулоқчин тақиб, шовқинли товушлар-дан иборат бўлган ритмларни «қуй-оҳанг» сифатида қабул қилаётган ёшларимизни кўриб кўрмасликка олиш ноҳақликдир. Бундай енгил, шовқин ритмик товушлар ёшлар онги ва тафак-курини саёзлаштириб, кичик қолипга солиб қўяди. Бу эса эртага уларни халқимиз мада-нияти ва маънавиятига хос бўлмаган турли оқимлар таъсирига осон тушиб қолишига олиб келиши мумкин. Худди ана шу салбий оқи-батларнинг олдини олиш мақсадида таълим масканларида мусиқа машғулотларини олиб бораётган мутахассислар ҳар бир ўқувчи-ёшни

эстрада санъати орқали тарбиялашда миллий мусиқага алоҳида эътибор қаратиши лозим. Чунки миллий мусиқа санъатининг мазмунан ранг-баранглиги, алла, ёр-ёр, ўлан, қўшиқ, терма, ялла, лапар, катта ашула, мақом ва бошқа қайси бир жанри бўлмасин, у ўзининг дилбар оҳанги, шўх усуллари, нола-ю сержило қочирмалари билан ўзбек миллатининг табиати, ўзгаларниқига ўхшамас удум ва урф-одатларини мусиқий оҳанглар орқали таран-нум этади ва ҳар бир ўқувчи ёш уни тушунади, ҳис-ҳаяжон билан идрок этиши ва ундан қалб тўла завқ-шавқ олиши табиий ҳолдир².

Таълим тизимида талаба-ёшларни эстрада санъати негизида тарбиялашда таълим ва тар-биянинг бирлигига эришиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Шунинг назарда тутмоқ лозимки, «Мусиқа маданияти» фани бўйича узлуксиз мажбурий таълим тизимида битирувчиларнинг тайёргарлик даражаси ва зарурий билимлар мазмунига қўйиладиган талабларда тарбиянинг муваффақияти қуйидаги педагогик шарт-шароитларнинг бажарилишига боғлиқлиги кўрсатиб ўтилган:

– дастур асосида ташкил этиладиган ҳар бир эстрада санъати дарсининг эстетик нуқтаи назардан аниқ мақсадга қаратилганлигини таъминлаш;

– дарс учун мусиқий материаллар, ўқитиш методлари, услуб ва воситаларни тўғри танлаш олиш;

– ўқитувчи томонидан ҳар бир ўқувчининг ўзига хос хусусиятлари, мусиқий қобилиятлари, ижро ва идрок имкониятларини ҳисобга олиш;

– ўқувчиларда мусиқий эстетик мадани-ятни шакллантиришга қаратилган мантиқий, мақсадга мувофиқлик, узлуксизликнинг таъ-минланган бўлиши;

– мусиқий эстетик тарбия жараёнида ўқи-тувчи томонидан ўқувчиларнинг ҳиссий, ижо-дий ва ахлоқий фаолиятларининг мутаносиб-лиги таъминланган бўлиши.

Мусиқий эстрада қўшиқчилиги тарбиясида таълим билан тарбиянинг муштарак бўлишлиги таълимнинг илмий онгли, кўргазмали, тушу-

¹ Авлоний А. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. – Т.: «Ўқитувчи», 1992. -12-13-б.

² Панжиев Қ. Сурхондарё вилояти ўзбек халқ қўшиқ-чилиқ ижодиёти. Монография. – Т.: ТДПУ, 2010. -106-б.

нарли, ўзлаштирилган билимларнинг мустаҳкам бўлиши каби тамойилларига жиддий амал қилган ҳолда олиб борилишига эришиш лозим¹.

Ботир Зокиров, Фаррух Зокиров, Юлдуз Усмонова, Равшан Комилов ва бошқа эстрада хонандаларининг ижрочилик санъати бўйича кўп йиллик тажрибалар ҳамда мусиқашунос олимлар О.Беков, Д.Муллажоновларнинг илмий-тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, мусиқа дарсларида ўқитувчи ўз олдига ўқувчиларнинг мусиқий эстетик маданиятларини шакллантиришни мақсад қилиб қўйса, у ҳолда қуйидаги асосий кўрсаткичлар пировард натижа эканлигини ёдда тутмоғи лозим:

- ўқувчиларда миллий эстрада қўшиқчилигига нисбатан қизиқиш ва ҳавас тобора орта боришини таъминлаш;

- дарсдан ташқари мусиқа машғулоти жараёнида ўқувчиларнинг ижодий фаоллиги ва ташаббуси орта боришида эстрада қўшиқлари ва уларнинг мазмун-моҳиятини белгилаш;

- мусиқани диққат ва иштиёқ билан тинглаш, асарлардан хушсозлик, хушовозлик ва гўзалликни англай олиш, унга ўз муносабатини билдира олиш малакаларини шакллантириб бориш;

- мусиқий эстетик фаолият учун зарур бўлган билим, кўникма ва тажрибаларни ўзлаштирган бўлиши;

- талабаларда мусиқа санъати таъсирида гўзалликка интилиш, ростгўйлик, дўстликни қадрлаш каби ахлоқий эстетик тушунчаларнинг таркиб топа бориши. Дарсда ўзини тута билиш, муомала, кийиниш каби эстетик маданиятнинг бир қатор сифатларини шакллантириб бориш.

Ўзбек миллий эстрада мусиқаси ҳамда уни ўқитиш, таълими ва тарбиявий жиҳатлари ҳақида гап кетар экан, ўқувчи-ёшларда энг аввало соғлом дидни шакллантириб бориш эътиборда бўлиши керак².

Юксак бадиий дидни тарбиялашда санъатнинг ҳамма турлари муҳим ва уларнинг ҳар бири ўз хусусияти ва имкониятига эга.

Мамлакатимиз мактабларида мусиқий эстетик тарбияни амалга ошириш ўқувчиларда

юксак эстетик бадиий дидни вояга етказиш учун зарурий замин ҳозирлаб бериш, ёшларга санъат асарларининг эстетик моҳиятини синдиришнинг муҳим тармоғидир. Шу муносабат билан мактабда мусиқа тарбиясини амалга оширишда ўқувчиларнинг мусиқавий маълумотларига ўзбек эстрада жанрида алоҳида эътибор бериш, уларни дастур талабларига мувофиқ мусиқавий билим билан қуроллантириш, эстрада санъати ҳақида билим, маълумотларни чуқур, пухта ўзлаштиришга эришиш энг муҳим вазифалардандир.

Талабаларда эстетик дидни тарбиялашда мусиқа дарсининг алоҳида аҳамияти бор. Яъни мусиқа дарси бадиий дидни тарбиялашда таъсирчан воситадир. Бу борада энг масъулиятли вазифа мусиқа ўқитувчиларига топширилади. Бадиий дид тарбиясини мукаммал эгаллаш ҳар бир мусиқа ўқитувчисининг асосий вазифаларидан бири бўлмоғи лозим. Талаба-ёшларни ҳар бир ўрганилаётган асарни диққат ва эътибор билан тинглаш, унинг ифода воситалари ва мазмунини тўла идрок этишга ўргатиш зарурки, бу уларда одат тусига айланади ва бадиий дидни ўстиришда муҳим роль ўнайди.

Мусиқанинг ҳаётимизда тутган ўрни бекиёс. Она алласи билан меҳр-муҳаббат, эзгулик, мурувват туйғулари қалбимизга жойланди. Айниқса, миллий қадриятларимиз бўлган рақс, фольклор, эстрада санъатида маънавий мерос асраб-авайлаб келинмоқда. Албатта, ўзбек миллий эстрада санъати ўзича ривожланиб қолган эмас. Унинг ривожланишида хорижий мусиқанинг ўрни ва аҳамияти катта бўлди.

Ўзбек тингловчиси учун янги бўлган мусиқий эстрада оқими «реп»³ Ғарбдан Шарққа ҳам кириб келди. Айтиш лозимки, «реп»нинг мазмунсиз, маълум бир тартибга туширилмаган усуллари ва оҳанглари «янгилик» деб, унга кўр-кўрона эргашувчи мусиқий саводи бўлмаган ёшларимиз талайгина. «Реп» гарчан янги жанр сифатида бутун Европа ва Ғарб мамлакатларини кенг қамраб олган бўлса-да, бироқ мусиқашунос олимлар ёки мусиқа танқидчилари томонидан одамларнинг тарбиявий онгига салбий таъсир кўрсатади, деган маънода қабул қилинмади. «Реп»нинг ифода хусусияти, яъни «синик» усуллари, ноаниқ оҳанг тизими «янгилик» деб баҳоланиши янги оқимнинг бошланиши ва у ўзи билан асосан

¹ Маннопов С. Ўзбек халқ мусиқа маданияти. - Т.: «Янги аср авлоди», 2004. -100-б.

² Мирзаева Н.А. Хонандалик услубиёти асослари. Маърузалар матни. - Т.: ЎзДК нашриёти, 2008. -48-б.

³ Қаҳҳаров Н.В. Вокал асослари. Ўқув қўлланма. - Т.: «Иқтисод-молия», 2008. -314-б.

тажрибасиз ва мусиқий саводи бўлмаган ёшларни эргаштириб бориши жуда ачинарли ҳол. «Реп»га жўрнавозлик¹ қилиш нафақат миллий, балки «поп», «рок» ва ҳоказо ижро услубларида фойдаланиладиган чолғуларни ҳам ноқулай, тўғрироғи, ноаниқ ифодага чорлайди. Бу услуб ижрочидан овоз кучи, тембр ва диапазон талаб қилмайди. Оҳанг тизими ҳам айтиб ўтганимиздек, мусиқий оҳанг удумларидан йироқ, «оҳанглашувгача» бўлган интонацияда шаклланган. У қўшиқчининг гавда, оёқ ва қўл ҳаракатлари билан мазмунан боғланмаган. Фон сифатида «рақс» ижро қилувчилар ва «реп»чи ҳаракатлари орасида синхронлик йўқ. Уларнинг ҳаракатларида яхлитлик - композиция кузатилмайди. Мавжуд ҳаракатлар ва «реп»чи ижроси бир мақсадга бўйсундирилмаган. «Реп»чи ҳам, раққослар ва раққосалар ҳам ўзларининг алоҳида ҳаракат тури атрофида чегараланади.

Соф интонация йўқлиги туфайли жўрнавозлик қилувчи чолғулар сафида миллийлик аломатларини келтириб чиқарувчи товушлар ҳаракати ҳақида фикр юритиш мумкин ҳам эмас. Сабаби, бу ижро йўналишида соф интонация «ғализлик» белгиси сифатида тушунилади. Қўшиқчи интонациясининг «тозалиги» бепардаликка яқин товушлар мажмуидан ташкил топиши улар учун муҳим омил саналади.

Хориж «реп» товуш тизимини тўғридан-тўғри кўчириб, бадий «бойитиш» мақсадини амалга оширишда ҳам, ижрога шахсий талқин - ифодасини қўллашда ҳам ноаниқликлар мавжуд.

«Поп», қисман «рок» йўналишида ижод қиладиган ижрочилар саҳналардан ташқари турли халқ маросимлари (тўйлар, байрамлар ва ҳоказо)да иштирок этсалар-да, «реп» фақат саҳнада қолиб кетмоқда. «Реп» оқимининг дастлабки шаклланиши давридаги омадсиз «изланишлар» даври ўтди². Бундай асарлар ижодкорлари янги топилма қилаётганлар каби Шарқ ва Ғарб ижодкорларидан кўчирма қила бошлашлари билан биргаликда ана шу ижод тамойилини ўзлари даражасидаги фикрловчи санъаткорларга ҳам сингдира бошладилар. Чунончи, «реп» йўналиши ижодкорлари яратётган қўшиқлар шоу-бизнес талабларига мос-

лаштирилиб, халқ бадий тафаккури қобиғидан чиқиши оддий ҳолга айланиб бормоқда.

XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб эстрада мусиқаси ҳам алоҳида жанр даражасида санъат тури сифатида шакллана бошлади. Чунки бу йўналишдаги дастлабки асарлар эстрада-симфоник оркестр жўрлигида ижро қилинган бўлса, сўнгра электрлаштирилган мусиқа чолғу асбобларида, ундан кейинроқ гитаралар сафига қўшилган органлар ва бошқа чолғулар иштирокидаги ансамблларда амалга оширила бошланди. Қайд қилинган чолғулар ўзбек миллий мусиқа чолғу асбоблари оиласига тааллуқли бўлмаса-да, улар орқали миллий «ифода» бериш учун турли ёндашувлар, изланишлар олиб бориш натижасида ва пировард натижада миллий эстрада санъати кўринишларини намоён эта олди. Шундай бўлса-да, миллий мусиқа товуш воситаси - миллий чолғулардан фойдаланиш кенг миқёсда ўз аксини топмаганди. Кейинги йилларда миллий чолғулар ижроси Маданият вазирлиги қошидаги эстрада-симфоник оркестр фаолиятида ўз ифодасини топмоқда.

Эстрада хонандасининг касбий даражаси мумтоз мусиқа ижрочилари қаторида миллат бадий ғояси ва ички дунёсини англаш билан биргаликда, халқ тарихи, ижтимоий ўзгаришлар ва маънавий талаб асосида тўлдирилиши лозим. Бу маълум бир мусиқий оқим ёки шаклга интилиш билан белгиланмасдан, давр бадий ғояси, халқ меросига боғлиқ кечиши мақсадли ҳисобланади.

Мазмунан мусиқий эстрадани халқнинг миллий маънавияти асосида шаклланган ва инсон руҳига фақат ҳаётбахшлик кайфиятини олиб кирувчи жанр сифатида эътироф этиш мумкин. Ўзбек миллий эстрада санъати ўзининг мазкур йўлдаги изланишлари давомида турдош халқларнинг замонавий эстрада оҳангларидан кўчирмачилик қилиш, намуна олиш, баъзи санъаткорлар томонидан ўғирлаш эвазига ўзининг маълум бир маънода йўлини топиб олишга муваффақ бўлди. Бироқ айрим нокабий даражадаги эстрада хонандалари орасида «шеърини ҳам ўзи ёзиб», «мусиқасини ҳам ўзи басталаб», «ўзи куйловчи сохта хонандалар» ҳам учраб турибди. Минг афсусларки, улар сафи кундан-кунга кенгайиб бормоқда. Сунъий тарзда тўқиладиган жўрнавозлик билан бирга қўшиқчи овозидаги нуқсонларни компьютер ёрдамида «текислаш», турли тадбирларда фонограммани қўйиб, унга тушувчи «сохтакор-

¹ Бирор бир хонанда томонидан ижро этилган қўшиқ ёки ашулага чолғу асбобларда жўр бўлиш.

² Cat'rine Sadolin: Complete vocal technique. 2012. // www.completevocalinstitute.com

лар» жуда авж олди. Бу ҳақиқий хонандалар ҳамда ҳақиқий чолғучилар сафини анчага камайтириб юбормоқда. Тўғрироғи, бу вазият ҳақиқий санъатда анъана бўлиб келган узвийлик, ҳатто давомийликни ҳам инкор қилувчи «инкубатор» кўринишни жорий қилишдир.

Халқимизнинг маънавий камолотида барча санъатларнинг ўзига хос ўрни бор. Жумладан, қўшиқчилик санъати ҳам бу борада алоҳида аҳамият касб этиши ва унинг бу борадаги ўрни борлиги ҳаммамизга маълум. Негаки, қўшиқни ҳар куни телевидение, радио тўлқинлари, кўча-кўйда, бозорларда, ҳатто автотранспорт воситаларида ҳам эшитамиз. Қулоққа ёқадими-йўқми эшитишга (тинглашга эмас) мажбурмиз. Ёши улуглар ҳам бу ҳолатга кўникиб бўлишди. Шунинг учун бугун қаерга бормайлик, ким билан суҳбатлашмайлик, гап айланиб эстрада хонандаларига келиб тақалапти. Ҳақиқатан, янги-янги овозлар кўпайиб борапти, бироқ улар айрим ҳолларда нимани куйлаётганлиги ёки эстрада айтимлари орқали нима демоқчи эканлигини ўзлари ҳам баъзи ҳолларда тушунмай қолаётганлиги, энди ўсиб келаётан умумтаълим ва академик лицей ўқувчилари онг-шуурига салбий таъсир кўрсатаётганлиги, ушбу тушунарсиз айтимлар фақат мусиқа санъатини ҳали тушуниб етмаган ўқувчилар томонидан эшитилаётганлиги ҳам ташвишли ҳол.

Юртимиз истеъдодларга бой. Ана шу ёшларнинг эмин-эркин ижод қилиши учун барча шарт-шароитлар яратилган. Айниқса, «Ўзбекистон - Ватаним маним», «Ягонасан, муқаддас Ватан», «Ниҳол», «Янги авлод», «Янги номлар», «Келажак овози»¹ каби кўрик-танловлар ва дунё миқёсидаги фестиваллар истеъдодларнинг юзага чиқишида катта омил бўляпти. Аммо шולי курмаксиз бўлмаганидек, бу соҳага муайян тайёргарликсиз кириб келаётган хонандалар ҳам оз эмас. Ана шундай чаласавод хонандалар туфайли саёз, тўмтакроқ матнли қўшиқлар кўпайиб бормоқда. Бу борада оммавий ахборот воситалари орқали тез-тез чиқишлар ҳам бўляпти. Афсуски, бундай чиқишларни кўп ҳолларда аксарият зиёлилар кузатади. Хонандаларнинг бирортаси танқидий мақолаларни ўқирмикан, деб ўйлаб қоласан киши. Очигини айтиш керак, бугун қўшиқ ижрочилиги санъати ва қўшиқчи хонандалар олдида талай вазифалар турибди. Профессор Шариф

Юсуповнинг «Ҳофизнинг сўнги хониши» мақоласида² устоз санъаткорларимиз Шоқосим ва Шоолим Шожалиловлар, уларнинг устози Жўрахон Султонов, Комилжон Отаниёзовларнинг эл олдида ўзларини тутишлари, ўзаро илтифот, санъаткор одоби ҳақида жуда ибратли воқеалар тилга олинган.

Қўшиқ миллат маданиятининг ўзига хос кўзгуси экан, хонандалар умуминсоний қадриятларни ўзида мужассам этган, халқимизнинг орзу-умидларини ифодалайдиган, эртанги кунга умид ва ишонч туйғуларини уйғотадиган, юртимиз шону шарафини кўтарадиган қўшиқлар яратиш йўлида мудом изланишлари, устозлар сабоғидан ибрат олиб яшаши зарур, деб ўйлаймиз. Ҳақиқий ижодкорнинг қалби доимо уйғоқ бўлади. Шундай қалблардан таралган эзгу наволаргина халқнинг кўнглига етиб боради.

Маълумки, эстрада қўшиқчилиги ва ёшларни тарбиялашнинг маънавий воситаси сифатида гап кетганда эстрада тушунчасининг ўзини чуқурроқ англаш ўта муҳим аҳамият касб этади. Шу боис ҳам эстрада тушунчаси, пайдо бўлиш шарт-шароитлари, хориж мусиқа ижодиётида нима деб номланиши, унинг ривожланиш тарихий шарт-шароитлари хусусида қимматли маълумотлар келтириб ўтилган. Айниқса, XX аср ўзбек мусиқа санъатида кескин янгиланишлар даври бўлди, «ноанъанавий» бастакорлик ижодиёти ҳамда янги концерт шакллари юзага келди³. Шу муносабат билан мусиқий маданиятга ҳам «эстрада» тушунчаси ўзбек миллий мусиқа санъати таркибидан жой олди. Ўзбек миллий эстрада санъатининг асосчилари қаторида Ботир Зокировнинг ҳаёт йўлини намуна сифатида эътироф этиш мумкин. Ўзбекистонда эстрада санъатининг ривожланишида хорижнинг замонавий мусиқасининг ўрни ва аҳамияти катта.

Юқоридигилардан келиб чиққан ҳолда шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ўқитувчи-педагог бадий дид тарбияси ҳисобланган дарс машғулотларини қуйидаги асосий воситаларидан кенг фойдаланган ҳолда олиб бориши керак:

- қизиқарли репертуар танлаш;
- ўзида ижрочилик малакаларини пухта ўзлаштириш ва тарбиялаш;

² Юсупов Ш. Ҳофизнинг сўнги хониши. // «Театр» журна-ли, 2010, 4-сон. -46-6.

³ Алавия М. Ўзбек халқ маросим қўшиқлари. - Т.: «Фан», 1974. -221-6.

¹ Маннопов С. Ўзбек халқ мусиқа маданияти. Ўқув қўлланма. - Т.: «Янги аср авлоди», 2004. -100-6.

- хонандалик малакаларини ўстириб бориш;
- мусиқа тинглаш ва таҳлил қила билиш;
- ўзлаштирилган билимларни турли мусиқа тўғаракларида такомиллаштириш.

Бундан кўриниб турибдики, амалга оширилаётган барча саъй-ҳаракатлар замирида битта мақсад ётади, у ҳам бўлса, ўсиб келаётган ёш авлодни миллий маънавий руҳда тарбиялашда мусиқа санъатининг турли жанрларидан тўғри ва оқилона фойдаланиш, ёшларни Ўзбдан

келган ва келаётган турли мусиқий жанрлар оқимиға кириб кетмаслиги, унга кўр-кўрона эргашмаслиги, бунинг учун аввало ўзбек миллий эстрада санъати ва унинг миллий мусиқий оҳанглариининг ранг-барнглигини ҳис этиш, уни тўлалигича қалби ва онгида акс эттиришдир. Бунинг учун биз каби педагог мутахассислар доимий равишда изланишимиз, ўз тажриба ва ғояларимизни такомиллаштириб боришимиз шарт ва зарур.

Адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. / Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси. // «Халқ сўзи», 2017 йил 16 январь.
2. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамыз. – Т.: «Ўзбекистон», 2017.
3. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Т.: «Ўзбекистон», 2016.
4. Каримов И.А. Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. - Т.: «Ўзбекистон», 1998.
5. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: «Маънавият», 2008.
6. Алавия М. Ўзбек халқ маросим қўшиқлари. – Т.: «Фан», 1974. -221-б.
7. Кароматов Ф. Ўзбек халқи музика мероси (йигирманчи асрда). 2-том. – Т.: «Ғофур Фулом» нашриёти, 1985.
8. Иброҳимов О.А. Ўзбек халқ мусиқа ижоди (методик тавсиялар, 2 қисм). – Т.: «Ибн Сино» нашриёти, 1994.
9. Мирзаева Н.А. Хонандалик услубиёти асослари. Маърузалар матни. – Т.: ЎзДК, 2008.
10. Панжиев Қ. Сурхондарё вилояти ўзбек халқ қўшиқчиликл ижодиёти. Санъатшунослик фанлари номзоди илмий даражани олиш учун тақдим этилган диссертация. 2010.
11. Қаҳҳаров Н.В. Вокал асослари. Ўқув қўлланма. - Т.: «Иқтисод-молия», 2008.
12. Маннопов С. Ўзбек халқ мусиқа маданияти. Ўқув қўлланма. – Т.: «Янги аср авлоди», 2004.
13. Юсупов Ш. Ҳофизнинг сўнгги хониши. // «Театр» журналы, 2010 йил 4-сон. -46-б.
14. Cat'rine Sadolin. Complete vocal technique. 2012. www.Completevocalinstitute.com